

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки чекланади

Президентнинг 6.07.2020 йилдаги ПФ-6019-сон Фармони билан рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Фармон билан Монополияга қарши курашиш қўмитаси ўз фаолиятида Олий Мажлис Сенати ва Президентга ҳисобдорлиги белгиланди.

Қўмита амалга оширишда бевосита Президентга мунтазам равишда ахборот киритиб борадиган вазифалар рўйхати белгиланди.

Қўмита республикада эркин ва рақобатбардош бозорни шакллантириш бўйича олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилишда ҳамкорлик қиладиган Вазирлар Маҳкамасининг бўлинмалари ва бошқа давлат тузилмалари белгиланди.

Фармон билан ўрнатилган тартибга мувофиқ 2020 йил 1 октябрдан бошлаб:

- тармоқ ва соҳаларда ваколатли этиб белгиланган давлат бошқаруви органларининг асосий вазифаларидан бири рақобат муҳитини яхшилаш ва уни ривожлантириш ҳисобланади;

- давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларининг ва ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан

мустасно) ташкил этилишига қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилмайди:

а) битта товар бозорида бешта ва ундан ортқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда;

б) давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда;

- ягона етказиб берувчи бўлган ёки бундай ҳўқуқ берилган ёхуд устун (монопол) мавқега эга давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектларига фаолияти муассисининг товарлари (ресурслари) ёки тармоқ инфратузилмасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари билан рақобатлашадиган фаолият билан шуғулланадиган ўзларининг аффилиланган шахсларини ташкил этиш таққиланади, ушбу аффилиланган шахслар рақобатчилари билан тенг шартлар асосида фаолият юритиш шароити таъминланган ҳолда бўлиб юбориш натижасида ташкил этиш бундан мустасно;

- давлат иштирокидаги ҳўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларини ва ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколати берилган давлат муассасаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш), мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида ташкил этиш бундан мустасно, монополияга қарши органнинг дастлабки розилиги олингандан сўнг амалга оширилади.

Бизнесга қўшимча чекловларни белгилувчи ёки рақобат муҳитини ривожлантиришни тўхтатиб турувчи бандларни ўз ичига олган норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар лойиҳаларини қабул қилиш тартиби белгиланди. Улар фақат Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда Қўмитанинг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаши натижалари асосидаги ҳулосалари мавжуд бўлсагина қабул қилинади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига Қўмита билан биргаликда бир ой муддатда Норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киришти топширилди.

Фармон билан қуйидагилар тасдиқланди:

- 2020–2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»;

- тадбиркорлик фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган норматив-ҳўқуқий ҳўжатларни ва техник ҳўжатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжатларни ялпи хатловдан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси;

- 2024 йилгача бўлган даврда ўзларига тартибга солиш бўйича бириктирилган тармоқларда рақобатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати;

- 2021 йил 1 январдан бошлаб тажриба (синов) тариқасида монополияга қарши комплаенс тизими жорий этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати.

Фармон билан Қўмитага манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни, шунингдек рақобат муҳитини ривожлантиришни тартибга солувчи норматив-ҳўқуқий ҳўжатларга ўзгартириш ва қўшимчаларни ишлаб чиқиш ва киритиш топширилди.

Ҳўжат Қонун ҳўжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.07.2020 йилдан қучга кирди.

Баҳодир Қаюмов.

Селекциядаги ўйинлар ёхуд келажакда дурагай сотадиган давлатларга қарам бўлиб қолмаймизми?

- Дурагайлар тез тайёр бўлади
- Бебаҳо генофонд сақланса, иқлим ўзгариб, дунёда қурғоқчилик бўлганда ҳам аҳолини боқа оламиз
- Маҳаллий навларимиздан ажралиб, қашшоқ бўлиб қолмайлик




Жуда кўпчилик ёшлигидаги олма, нок, помидор, ҳатто пиёзнинг қанчалар ширин бўлгани ҳақида кўп эслайди. Ҳозирда расталарни безаган йирик олмалар, ёшликдаги майда, балки қурт тушган олма мазасини бермаслиги ҳаммага аён. Шу Ўзбекистон, шу деҳқонлар ва шу тупроқ. Ҳўп, унда йиллар ўтиб, нима ўзгарди? Бугунги суҳбатдошимиз Тошкент давлат аграр университети кафедра мудири, профессор, селекционер олим Маърифат Омонова билан суҳбатимиз уруғчилик борасидаги ютуқлар ва муаммолар ҳақида бўлди.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

– Бозорларда сотилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми четдан келтирилган уруғлар асосида етиштирилган. Бунинг сабаби эса бозор талаби билан изоҳланади. Яъни уларнинг ташқи кўриниши чиройли ва узоққа ташишга чидамли. Селекционер олимларимиз ана шундай экспорт-боп нае ва дурагайларни ярата олмайдими?

– Дурагайлар навга нисбатан касалликлар, зараркунандалар ва экологик шароитнинг кескин ўзгаришларига чидамли бўлади. Шунинг учун деҳқон ҳам бундай экинларни етиштиришдан манфаатдор. Бизда сувли, витаминларга бой, ширин навлар азалдан жуда кўп бўлган. 90-йилларгача бўлган селекцияда ҳар бир мевадан кўп ва йирик ҳосил олишга эътибор қаратилган. Бироқ, уларнинг вегетация даври узоқ. Камига селекционер олимлар навни янгилаб туриши керак бўлади.

– Шунинг учун ҳам тилни ёрар полиз экинлар, мазаси оғизда қоладиган мевалар камайиб кетди. Айниқса, дурагайлар етиштиришга ўтиб кетганимизни оқлаб бўлмайди. Тўғриси, нае яратиш машаққатли иш эканини ва бунинг учун 10-15 йил сарфланишини кўп эшитганмиз? Наҳот олимларимиз дангаса бўлиб, осонроқ  2-бетга тарафга ўтишган?

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Кимга қанча пенсия: саволлар, расмий тушунтиришлар, тавсиялар

7-БЕТ

Ходим шахсий автомобилида ЙХҲга учради. Ким жавоб беради?

8-БЕТ

Ишдан бўшашда неча кунга фойдаланилмаган таътил учун компенсация берилади?

Селекциядаги ўйинлар ёхуд келажакда дурагай сотадиган давлатларга қарам бўлиб қолмайми?



— Тўғри, нав яратишга 7-15 йил керак. Дурагайлар эса тез тайёр бўлади. Шу кунга қадар фақат пахта селекцияси билан шуғулланган олимлар рағбатланган. Олим йиллаб умрини сарфлаб нав яратади, халққа чиқаради, лекин ҳеч қандай рағбат йўқ. Фойда кўрмайди. Натижада селекция олимлар сони қисқариб кетди.

Айни вақтда биз талабаларни ўқитиш билан бирга, инновацион технологиялар жорий қилиш ва янги навларни яратиш борасида изланишлар олиб бормоқдамиз. Кафедрада йил якуни билан 10 та патент олинди. Яратилган аммаран, мойли экинлар ва бодринг навлари ҳосилдорлиги ва касалликларга чидамлилиги билан мавжуд навлардан анча устун туради.

— **Ўзбекистонда жамланган қишлоқ хўжалиги экинлари генофондида 43 мингдан ортиқ намуна борлиги айтилади. Биз ана шу бойликдан нега самарали фойдаланмаймиз. Ваҳоланки, халқимиз даромадини ошириш учун биринчи навбатда уруғчиликни самарали ташкил этиш керак бўлади.**

— Жуда тўғри, юртимизда жуда катта генофонд мавжуд. Бу эса селекцияларимиз учун бебаҳо хазина ҳисобланади. Агар уни сақлаб келажакка етказиб бера олсак, иқлим ўзгариб, дунёда қурғоқчилик бўлса, аҳолини боқа оламиз. Бизда Африкадан келтирилган ғалла ва буғдойнинг 15 минг хил нав ва дурагай мавжуд.

Ҳозирда генофондга талаб кучайди ва бизнинг асосий вазифамиз генофондни қўриқиб ва келажак авлод учун тўлиқ сақлаш. Бу борада ишлар олиб борилмоқда. Эндиликда мева-сабзавотчилик йўнали-

шидаги селекцияларга ҳам маблағ бериладиган бўлди. Аслида бизнинг иқлим шароитимиз дунёдаги ўсимликлар 65 фоизининг ўсишига имкон беради. Шу боис аҳоли учун янгилик бўлган дуккакли экинлар билан шуғулланишни бошладик. Негаки, дунёда энг кўп харидорлар маҳсулот дуккакли экинлар ҳисобланади. Ҳиндистонни кузатсак, уларда гўшт ўрнини дуккакли экинлар эгаллайди. 10 фоиз аҳоли гўшт истеъмол қилади у ҳам балиқ ва тухум. Шундай бўлса-да, дунёдаги энг кучли дастурчилар, шифокорлар ҳиндлар. Бунинг сирини эса дуккакли сабзавотлар. Йил охирига қадар дунё бозорига бир қатор янги навларни тақдим этамиз.

— **Тажрибали деҳқонларнинг сўзларига қараганда, экинларга зарар бераётган кўпгина касалликлар ва зараркундандалар илгари юртимизда учрамаган. Улар хориж уруғлари билан кириб келаятган бўлиши мумкин, деган тахминлар мавжуд. Селекция олим сифатида бу борада сизнинг фикрингиз қандай?**

— Биласизми, дунёда сиёсий ўйинлар бўлиб туради. Селекцияда ҳам бу бор. Нима учун? Биз четдан дурагайлар оламиз, тўғри, уларнинг ҳосилдорлиги, унвчанлиги яхши. Лекин биз кўрмаган, биз текшира олмаган, яъни сунъий равишда ҳосил қилинган ўсимликларнинг касалликларини уруғлар билан бизга киритишмоқда. Тўғри, улар мингта уруғдан биттасида бўлади ва ерга тушганда касалликни тупроққа қолдиради. Ерга қолиб кейинги экинларга таъсир қилади ва маълум вақт ўтиши билан мослашиб, янги шаклини пайдо қилади. Бу маҳаллий бойлигимиз бўлган ўсимликларнинг, навларнинг йўқолишига хизмат қилади. Келажакда тўғридан-тўғри дурагай сотадиган давлатларга иқтисодий қарам бўлиб қоламиз.



Мисол учун, хориждан олиб кириладиган янги узум навлари билан флаксина касаллиги кириб келади. Шу боис биз янги навларни олиб келишга қаршилик қилиб, кўп жойларга мурожат қилдик. 2013 йилдан буён бу борада эътиборни торттишга ҳаракат қиламиз. Четдан келаятган узумлар таркибида флаксина бор ва улар унга чидамли. Лекин, маҳаллий навларимизнинг бирортаси бу касалга чидамли эмас. Ҳусайн, кишимиш барча-барчасидан ажралиб, қашшоқ бўлиб қолишимиз мумкин. Баъзида бу касаллик бизнинг шароитда ривожланмас деган фикрлар ҳам айтилади, бироқ қишлоқ хўжалиги экинларига таваққал қилиб бўлмайди. Бир вақтнинг ўзига фауна ва флорамизни йўқотсак, озиқ-овқат масаласида четга боғланиб қоламиз. Бу эса жуда хатарли.

Сайёра Шоева, ЎЗА.

1 августдан яна қатор солиқ имтиёзлари бекор қилинади

Давлат раҳбарининг 8.07.2020 йилдаги ПФ-6021-сон Фармони билан Президентнинг айрим ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритилди.

Хусусан, 2020 йил 1 августдан бошлаб:

биринчидан, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (Технопарк) резидентлари дивидендларни чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Эслатиб ўтаемиз, мазкур преференция 2019 йил декабрда тугатилган Mirzo Ulugbek Innovation Center резидентларига тақдим этилган, кейинроқ Технопарк резидентларига нисбатан татбиқ этилган эди (ВМнинг 10.01.2019 йилдаги 17-сон қарорининг 5-банди);

иккинчидан, четдан жалб этиладиган хорижий мутахассисларга чет эл валютасида ҳақ тўлайдиган ташкилотлар маблағларни уларнинг хориждаги ҳисобварақларига ўтказишлари керак. Эслатиб ўтаемиз, Президентнинг тегишли қарорлари билан қуйидагиларга ана шундай ҳуқуқ берилган:

- компаниялар – «LG CNS Uzbekistan» ҚҚ, «Ўзбек-гидроэнерго» АЖ, «РАХТАКОР» футбол клуби» МЧЖ ва «O'zbekiston tarixi» телеканалига;
- илмий-маърифий ташкилотлар – мамлакат олий таълим муассасалари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича соҳа марказлари,

Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази ва Ўқув-амалий тўқимачилик технопаркига;

• давлат муассасалари – Ахборот коммуникациялари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, Интеллектуал мулк агентлиги, Ўзстандарт ва «Рақамли ишонч» жамғармасига.

Бунда улар четдан жалб этадиган хорижликлар ўз хоҳишларига қўра сўмда ҳақ тўлашига розилик билдиришлари мумкин;

учинчидан, миқозларнинг талабномалари бўйича банклар томонидан сотиб олинган ва 15 иш куни мобайнида фойдаланилмаган хорижий валютани сўзсиз қайта сотиш ҳақидаги талаб бекор қилинади (27.06.1995 йилдаги ПФ-1193-сон Фармонининг 8-банди);

тўртинчидан, қуйидаги солиқ имтиёзлари бекор қилинади:

а) 28.07.2009 йилдаги ПҚ-1166-сон қарорда назарда тутилган қуйидаги муддатга озод қилиш шаклидаги:

5 йил муддатга – юридик шахслар тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича солиққа тортишдан;

3 йил муддатга – лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фойда солиғи ва лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича айланмадан олинмайдиган солиқни тўлашдан;

б) 6.04.2010 йилдаги ПҚ-1317-сон қарорда назарда тутилган, тижорат банклари томонидан, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизда ташкил этилган корхоналарга, янги инвесторларга сотилганга қадар, улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилган ҳуқуқлар – асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган мезърдан камроқ ҳисоблаш;

бешинчидан, 3.11.2017 йилдаги ПҚ-3351-сон ва 30.05.2019 йилдаги ПҚ-4348-сон қарорлардан экспорт ва импорт операциялари доирасидаги алоҳида муддатлар чиқариб ташланмоқда. Шу тўғрисида янги Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом билан юзага келадиган эҳтимолий зиддиятлар бартараф этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 9.07.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2-бетлар

• МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

- Селекциядаги ўйинлар ёхуд келажакда дурагай сотадиган давлатларга қарам бўлиб қолмайми?
1-2-бетлар

• ПЕНСИЯ ИШИ

- Мураккаб давр

- Квартира – ижарага

- Расмийлаштириш вақти

- Эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар

- Истисно мавжуд

- Стажга қўшилмайди

- Бадалларни унутманг

- Коммунал тўловлар учун компенсация

- Фарзанд улғайганда

- Кадрлар бўлимини судга бериш

- Фақат нафақа

- Пенсияга фоизлар

- Янги смена

- Германияда кексалик гаштини суриш

- 101 ёшлик депутат пенсияга чиқди

- Стаж кўп бўлса пенсияга вақтпироқ чиқилади

3-6-бетлар

• Хўжалик юритиш қоидалари

- Ваколатлар – ишончнома бўйича

- Қайта ташкил этишда қайта номлаш

- Хизмат сафари вақтидаги шахсий автода ЙҲХ

7-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Ходимлар учун жарималар

- Таътилга ариза

- Таътил берилмасдан ишдан бўшатиш

- Холда декретга чиқариш

- Бош муҳандиснинг «штат»даги ўрни

8-бет

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ушбу нашрдан куйидагиларни: пенсионер квартирани ижарага бериши мумкин-мумкин эмаслиги, коммунал тўловлар харажатлари учун кимларга компенсация берилиши, кадрлар бўлими ноҳақ эканлигини қандай исботлаш мумкинлиги ва бошқалар ҳақида билиб оласиз. Охирида эса Германия пенсия тизимининг ўзига хос жиҳатлари билан танишасиз. Бошқа мамлакатлардаги тенгдошларингиз қандай яшаётганлигига доимо қизиқиш бўлади.

Экспертдан сўранг

Мураккаб давр

Ҳозирги пайтда пенсияга оид қонун ҳужжатларида ногиронга, болалигидан ногирон бемор болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган кекса кишиларга қаралган даврлар стажга қўшилиши мумкинлиги назарда тутилган. Бунинг учун нималар зарур бўлиши ҳақида «Норма» компанияси эксперти Зафаржон Хўжаев тушунтириб беради.

– **Парваришlash даврини қўшиш учун энг кам стаж қанча бўлиши лозим?**

– Ҳақиқатан ҳам, 1 гуруҳ ногиронига қаралган вақт иш стажига қўшилади. Бундан ташқари, ушбу тоифага 16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришlash, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшдаги кексаларга қаралган даврлар иш стажига киритилади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси, 1-қ., «д» кичик банди).

Ушбу давр стажга қўшилиши учун камида 7 йиллик меҳнат стажига эга бўлиш лозим. Унга фаолият туридан, мулкчилик ва корхона (ташкилот) хўжалик юритиши шаклидан қатъи назар, давлат томонидан ижтимоий сўғурталаниши лозим бўлган барча меҳнат фаолияти Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари тўланган шароитда исталган иш киритилиши мумкин. Бунга давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш, идоровий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган

БУГУНГИ СОНДА:

КВАРТИРА – ИЖАРАГА
Пенсионер учун солиқ оқибатлари

3

ЭГАЛЛАГАН ЛАВОЗИМИДАН ҚАТЪИ НАЗАР
Ишингиз ОИВ билан зарарланганларга қарашга боғлиқ бўлса

4

КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ
Олишга бўлган ҳуқуқ бўйича

5

ПЕНСИЯДАН ФОИЗЛАР
Телефон орқали савол

7

Маълумот учун!

Вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган шахсларга пенсия тайинlash тўғрисидаги **АРИЗА** уларнинг ота-оналари ёки яшаш жойидаги васийлари томонидан **ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ**.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қут-қарув қисмларидаги хизмат, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шахсий ёрдамчи хўжаликдаги ва деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият киритилади (Қонуннинг 37-моддаси 1-қ. «а»–«г» б., 2-қ.). Тегишинча, 7 йил стаж мавжуд эмаслиги сабабли парваришlash вақти иш стажига қўшилмайди.

МИСОЛ.

Аёл 9 йиллик иш стажига эга. Кейинчалик 10 йил мобайнида у I гуруҳ ногирони бўлган онасини парвариш қилган. Ёшга доир пенсияга чиқишда унинг иш стажига 19 йилни ташкил қилди. Унинг иш стажига жами 5 йил бўлса, онасини парваришлаган 10 йиллик давр ёшга доир пенсияга чиқишда стажга қўшилмайди.

7 йиллик иш стажига мавжуд бўлиши талаби **фақат ёшга доир пенсия тайинланишида** қўлланилади. Ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда парваришlash стажини ҳисобга олиш бироз фарқ қилади. Бу давр иш стажига давомийлигидан қатъи назар стажга қўшилади (Қонуннинг 37-м. 3-қ.). Бунда қанчадир иш стажига мавжудлиги ҳақида сўз бормоқда.

МИСОЛ.

Фуқаронинг иш стажига – 3 ой. У I гуруҳ ногирони бўлган онасига 12 йил қараган. Мазкур ҳолатда I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсияга чиқишда унинг иш стажига 12 йилу 3 ойни ташкил этилиши лозим. Унда I гуруҳ ногирони бўлган онасига қараган даври (12 йил) учун иш стажига бўлмаса, бу давр ҳисобга олинмайди.

– Бетоб болага ёки кексаларга қараш даврларини тасдиқлаш учун қандай ҳужжатлар зарур бўлади?

– Текшириш далолатномаси бўлиши лозим. Ушбу ҳужжат Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ҳамда парвариш қилинаётган шахс ва унинг қўшниларидан суриштирув орқали олинган маълумотлар асосида тузилади.

Ногиронликда бўлганликни (I гуруҳ ногиронлари ва ногирон болалар учун), ёшни (кексалар ва ногирон болалар учун) тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва ўзганинг парвариши зарурлиги тўғрисида (кексалар учун) даволаш муассасасининг тиббий ҳулосаси зарур бўлади.

Қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномалари I гуруҳ ногиронига ёки 80 ёшга тўлган кексаларнинг пенсия ишига тикиб қўйилади ва қараб турган шахсга пенсия тайинлашда иш стажига киритиш учун асос ҳисобланади (252-сон Низомнинг 65-б.). Далолатноманинг иккинчи нусхаси қараб турганга бери-



лади. Унга пенсия тайинлашда далолатномалар унинг пенсия ҳужжатларига тикиб қўйилади. Улар махсус рўйхатдан ўтказиш китобида қайд этилади (АВ томонидан 17.11.2011 йилда 2282-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

2014 йилдан кексаларга қараб туриш ҳолатини ҳар 12 ойда текшириш жорий этилган. Қараб туриш илгари ҳам амалга оширилган бўлса, бу 2014 йилдан кейин тузилган далолатномада қайд этилиши лозим. Ушбу далолатномаларни тузишда ягона талаб – қараб туриш даври қараб турилган шахс томонидан тасдиқланиши лозим.

– Қараб турган оила аъзоси қараб турган шахс билан бир манзилда прописка қилинган бўлиши лозими?

– Қараб туриш даври фақат қараб турилган шахс билан бирга яшайётган қараб турган шахслардан бирининг пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади (252-сон Низомнинг 35-б. «д» кичик банди).

Бунда қонунчиликнинг бундай нормасида парвариш қилинган шахснинг яшаш жойи бўйича пропискиси бўлиши шартлиги кўрсатилмаган. Биргаликда яшаш далили парваришlash ҳақиқий ҳолатини текшириш далолатномасига асосан белгиланади. Юқорида кўрсатилганидек, текширув далолатномаси Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тузилади.

– Бемор ёки кекса кишига қараб турилган даврда қараб туривчи иш ҳақи олмаган бўлса, пенсия қайси иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади? Ахир пенсия ҳисоблаш учун меҳнат фаолиятининг охириги 10 йилдаги иш ҳақи олинади-ку...

– Мазкур ҳолатда иш ҳақини аниқлашда парваришlash даври меҳнат фаолиятидаги охириги 10 йиллик даврга қўшилмайди (252-сон Низомнинг 87-б.). Олдинги йиллардаги иш ҳақи ҳисобга олинади.

МИСОЛ.

Фуқаронинг иш стажига 9 йилни ташкил қилади. Пенсияга чиқишдан олдинги охириги 10 йил ичида у I гуруҳ ногирони бўлган онасини парвариш қилган. Тегишинча, пенсия миқдори Қонуннинг 37-моддаси «а»–«г» бандларига мувофиқ жамланган 9 йил учун олинган иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Квартира – ижарага

? *II гуруҳ ногирони – пенсионер ҳеч қаерда ишламайди, опасиникида яшайди. Бошқа даромоди йўқ. Уй-жой фондидаги квартирасини жисмоний шахсга ижарага бермоқчи. Бир ойлик ижара ҳақи – 1 500 000 сўм, квартира майдони – 60 кв.м.*

II гуруҳ ногирони бўлган ишловчи пенсионер учун қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?

– ЖШДС солиш мақсадларида жисмоний шахсларнинг квартирани ижарага беришдан олган даромадлари мулкрий даромад ҳисобланади (СК 375-м. 3-б.). I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (ушбу даромадлар олинган ҳар бир ой учун МҲЭКМнинг 1,41 баравари миқдоридagi даромадлар бўйича) ЖШДС солишдан қисман озод этилади (СК 380-м. 1-қ. 3-б.).

Сизнинг ҳолатда II гуруҳ ногирони пенсионер бўлганлиги ва бошқа даромад олиш манбаларига эга бўлмаганлиги сабабли у ижара тўлови кўринишида олган даромадига нисбатан ЖШДСдан қисман озод этишни қўллашга ҳақлидир.



Бизга ёзган экансиз

Расмийлаштириш вақти

? *60 ёшга тўлдим. Кичик фирмада ишлайман. Лекин пенсия ҳужжатларимни ҳеч расмийлаштира олишмаяпти. Қандай муддат ичида маъмурият уларни расмийлаштириши лозим?*

– Маъмурият (бошқарув) ариза келиб тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштириши шарт. Уларни берилган ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга аризачи истиқомат қиладиган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига юборади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддаси 3-қисми).

Ёшга доир пенсия уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан

МИСОЛ.

II гуруҳ ногирони – пенсионер 2020 йил 1 январдан 1 календарь йилга ўз квартирасини жисмоний шахсга ижарага берган. Бошқа даромад оладиган манбалари йўқ. Бир ойлик ижара ҳақи қиймати 1 500 000 сўм, квартира майдони – 60 кв.м. Квартира уй-жой фондида тегишли.

Квартирани жисмоний шахсга ижарага беришдан олинган даромадларга жами йиллик давромад тўғрисидаги декларацияга асосан ЖШДС солинади (СК 393-м. 1-қ.). Шунингдек имтиёз декларация топшириш чоғида қўлланилади. Шу боис бир йил мобайнида жами даромад суммасидан ЖШДС тўланади.

2020 йилда ҳар бир ой учун ЖШДС ҳисоб-китоби:

1 500 000 сўм x 12% = 180 000 сўм.

Бир йил учун ижара тўлови 18 000 000 сўмни, бир йил учун тўланган ЖШДС – 2 160 000 сўмни ташкил қилади.

Йил якуни бўйича декларация топширишда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисобланади. Аниқланган ортиқча тўлов ижарага берувчи – II гуруҳ ногиронига қайтарилади.

Азизахон Тошхўжаева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

бошлаб 60 кун ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшга тўлган кундан эътиборан тайинланади (Қонуннинг 47-моддаси «а» банди).

Корхоналар ва ташкилотлар пенсия учун (пенсия қайта ҳисобланиши учун) ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки ишонсиз маълумотлари бўлган ҳужжатларни тақдим этиш оқибатида пенсионерга етказилган зарар учун унинг олдида қонун ҳужжатларида белгиланганидек жавобгар бўладилар (Қонуннинг 43-моддаси 11-қ.).

Эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар


? *Ташкилотимиз иммунитет танқислиги касаллигига учраган шахсларни даволайди. Фаолиятимиз старционер ўринлар, зарур тиббиёт ходимлари ва тегишли даволаш баённомаларининг мавжудлиги билан тасдиқланади. Пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра иммунитет танқислиги касаллигига чалинган беморларни даволаш билан банд бўлган тиббиёт ходимлари тегишли давр учун стажни икки баравар ошириш тарзидаги имтиёздан фойдаланишга ҳақли.*

Бироқ Пенсия жамғармаси ходимларининг тасдиқлашча, мазкур имтиёз фақат иммунитет танқислиги касаллигига чалинган беморларни даволаш билан банд бўлган тиббиёт ходимларига тасбиқ этилади. Мазкур имтиёз лаборатория ходимларининг ушбу касалликка чалиниш хатари юқори даражада бўлса ҳам уларга татбиқ этилмайди.

Пенсия жамғармаси ходимлари тўғри айтишяптими?
– **Йўқ, улар ҳақли эмас.** Пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунитет танқислиги вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш – икки ҳисса бараварида стажга кўшиб ҳисобланади (*Низомнинг 39-банди «г» кичик банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова*).

Қонун ҳужжатларининг ушбу нормасида муайян иш эмас, балки ОИТС билан касалланган шахсларни даволов-

чи инфекцион муассасалардаги исталган иш кўрсатилган. Тегишинча, иш стажини икки баравар ҳисоблаш бўйича имтиёз Эгаллаб турган лавозимидан ва бажарадиган ишдан қатъи назар, иммунитет танқислиги касаллигига чалинган шахсларни даволовчи инфекцион муассасаларда банд бўлган барча ходимларга татбиқ этилади.



Истисно мавжуд

? *Яқинда пенсияга чиқаман. Айрим маълумотномаларнинг фақат кўчирма нусхалари мавжуд. Уларнинг Пенсия жамғармасида қабул қиладиларми ёки фақат асл нусхалари бўлиши лозимми?*

– Пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатлар ҳам асл нусхада, ҳам Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тасдиқланган нусхаларда тақдим этилиши мумкин. Фақат асл нусхаларда тақдим этиладиган маълумотномалар (иш

ҳақи, ногиронлик, оила аъзоларининг таркиби тўғрисидаги маълумотномалар ва бошқа маълумотномалар) бундан мустасно (*252-сон Низомнинг 27-банди*).

Стажга қўшилмайди

? *Қандай иш даврлари махсус стажга қўшилмайди?*

– Имтиёзли пенсия таъминотида ҳуқуқ берувчи махсус стажга қуйидагилар қўшилмайди:

➢ иш ҳақи сақланмайдиган таътил;
➢ академик (ўқув) таътиллار, малака ошириш курсларида, клиник ординатурада (интернатурада) ўқиш даври, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ёки ўқиш даврлари.

Бундан ташқари, болани парвариллаш таътилида бўлган давр (шу жумладан ҳақ тўланадиган давр) ёшга

доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи махсус иш стажига қўшилмайди.

Бунда иш ўринларини аттестациялаш натижалари билан тасдиқланмаган алоҳида меҳнат фаолияти даврлари махсус иш стажига сифатида ҳисобга олинмайди.

Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи махсус иш стажига ишлаб чиқариш, муассаса, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

ва 3-сонли рўйхатларида (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган) назарда тутилган айрим тоифадаги ўқитувчилар (шу жумладан ўқитувчи-логопедлар, ўқитувчи-дефектологлар), шунингдек ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари бўлган шифокорларга меҳ-

нат фаолияти даврида амал қилган қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатиб ўтилган тоифадаги ходимлар учун назарда тутилган иш вақти давомийлиги (педагогик юклама) нормаларига нисбатан талабларга риоя этилганда ҳисобланади.

Бадалларни унутманг

? *Иш ҳақи сақланмайдиган таътил ва касаллик варақаси даврлари стажга қандай қўшилади?*

– Иш ҳақи сақланмайдиган таътил пенсия ҳисоблаш учун иш стажига қўшиб ҳисобланмайди.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври (тиббиёт муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақалари билан тасдиқланган) фақат куйидаги тўловлар тўланган тақдирда иш

стажига қўшилади (252-сон Низомнинг 12-банди «в» кичик банди):

- > 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;
- > 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида тўланган даромадлар.

Коммунал тўловлар учун компенсация

? *Танишим жуда кам миқдорда пенсия олади. Шу муносабат билан коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашга қўшимча ҳақ олиш учун мурожаат қилиши мумкинми?*

– Қуйидагилар пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 45%и миқдориди ойлик компенсация пул тўловларини олишга ҳақли (Низомнинг 1-банди, АВ томонидан 30.12.2010 йилда 2175-сон билан рўйхатдан ўтказилган):

- а) 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар. Уруш ногиронлари ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар доираси 252-сон Низомга 1 ва 2-иловаларда белгиланган;
- б) ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар;


в) Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва «Слава» орденининг учала даражаси билан мукофотланган шахслар;

- г) фашист концлагерларининг собиқ вояга етмаган маҳбуслари;
- д) Ленинград шаҳри қамали даврида ишлаган фуқаролар;
- е) кўриш қобилияти бўйича I гуруҳ ногиронлари;
- ж) Чернобыль ҳалокати оқибатида жабрланган фуқаролар;

з) ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслардан ташқари, ПБХМнинг 50%и, 1941–1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат fronti қатнашчилари эса – ПБХМнинг 25%и миқдориди ойлик компенсация тўловларини оладилар (2175-сон Низомнинг 1-1, 2-б.).

Танишингиз санаб ўтилган фуқароларнинг тоифаларидан бирортасига тааллуқли бўлса, у тегишли ариза ва ҳужжатлар билан Пенсия бўлимига мурожаат қилиши мумкин.



Маълумот учун!

Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлаш учун тақдим этилган ҳужжатларни **ТЕКШИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР** чиқарадиган бўлса, текширишни яқунлаш муддатидан қатъи назар, пенсия тайинлаш учун **ДАСТЛАБ МУРОЖААТ ЭТИЛГАН САНА** пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинган **КУН** ҳисобланади.

Фарзанд улғайганда

? *Ўғлим болалигидан ногирон. У ногиронлик нафақасини олади. Отасининг вафотидан кейин боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳам олади. У бундай тўловларни неча ёшгача олиши мумкин?*

– Болалигидан ногиронлар 16 ёшгача ҳам боқувчисини йўқотганлик пенсиясини, ҳам болалигидан ногиронлик бўйича нафақани бир йўла олишга ҳақли.

Бироқ 16 ёшга тўлганда уларга фақат битта тўлов тури – ёки пенсия, ёхуд нафақа берилади (*Низомнинг 18-б., ВМнинг 107-сон қарорига 1-илова*).

Кадрлар бўлимини судга бериш

? *Корхонада иш ўринларини аттестациядан ўтказиш дастлаб 1994 йилда амалга оширилган, бундан кейин ҳар 5 йилда қайта аттестация ўтказилган. Ёшни қисқартирган ҳолда имтиёзли шартларда пенсияни расмийлаштирадиган ходимлар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг талабига кўра имтиёзли пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқини аниқлаштирувчи маълумотномани берилишини сўрашмоқда. Кадрлар бўлими иш ўринлари аттестациядан ўтказилмаган давр учун (1994 йилгача) бундай маълумотнома берилишини рад этаяпти. Кадрлар бўлимининг рад этиши тўғрими? Иш ўринлари аттестацияси имтиёзли пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқни аниқлаштирувчи маълумотномани бериш учун ягона асос бўладими?*

– Аниқлаштирувчи маълумотномалар фақат ходимларнинг айрим тоифалари учун берилади. Улар ишларнинг қизгин устакларида ёки қизгин ишларда бандлик, муайян моддалар ёки хавфлиликнинг муайян даражаларига кирадиган зарарли моддалар билан ишлаш, ер ости ишларида бандлик, ишларни муайян усулда бажарганлик, муайян жойда ишларни бажарганликни тасдиқлайди.

Аниқлаштирувчи маълумотнома меҳнат шартлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижаларига қўшимча ҳисобланади ҳамда айрим тоифадаги ходимлар учун белгиланган 1, 2 ва 3-сонли рўйхатлар бўйича имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини белгилайдиган омилар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар меҳнат дафтарида мавжуд бўлмаган ҳолларда берилади (*252-сон Низомнинг 70-банди*).

Ҳақиқатан ҳам, ушбу давр учун меҳнат шартлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижалари мавжуд бўлмаган тақдирда, кадрлар бўлими 1994 йилгача бўлган давр учун аниқлаштирувчи маълумотномани бера олмайди.

Бироқ ташкилот ёки ходимларнинг ўзи якка тартибда 1994 йилдан кейинги давр учун меҳнат шартлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижалари 1994 йилгача бўлган меҳнат шартларига мувофиқлигининг юридик далилини белгилаш учун судга муурожаат этиш лозим.

Суд томонидан ушбу масала ижобий ҳал этилса, кадрлар бўлими пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатларни бериши мумкин бўлади.



Маълумот учун!

1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилганларни рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилди. Ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати 67 тургача кенгайтирилди. Ўзини ўзи банд қилганларни **РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ** хабардор қилиш тартибидеа махсус мобиль шловалар ёки солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетини орқали рўйхатдан ўтказиш далилини тасдиқловчи матрикс штрих код (QR-код) **БЕРИЛГАН ҲОЛДА** амалга оширилади. Ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан 2020 йил учун ўзини ўзи банд қилганда ҳақиқатда ишланган соатидан қатъи назар, **БҲМнинг 50%идан кам бўлмаган миқдорда ижтимоий солиқ тўланиши** лозим.

Фақат нафақа



Аёл ўгли билан яшайди. У болалигидан ногирон. Аёл 54 ёшда. Унинг доимий иш жойи йўқ. Унга стажи пенсия тайинлаш учун етарли эмаслигини айтишган. Мазкур ҳолатда унга қандай ижтимоий ёрдам кўрсатилади?

– Болалигидан ногиронлиги бўлган болалари бор она-лар давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаганда, 55 ёшга тўлгунга қадар ёшга доир нафақа олишга ҳақли (Низомнинг 6-банди, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги

107-сон қарорига 2-илова).

Зафаржон Хўжаев,
«Норма» МЧЖ эксперти.

Телефон орқали савол

Пенсияга фоизлар



Ишловчи пенсионерман. Менга Нито пластик картасини беришди. Негадир банкоматда нақд пулларни ечиб олиш чоғида пенсия картамдан фоизлар олинди? Ахир пенсиядан улар олинмайдику...

– Ипотека банк мутахасссининг тушунтиришича, ушбу банк томонидан берилган нақд пулларни ечиб олишда, Ипотека банкнинг банкоматларидан фой-

даланиш лозим. Фақат шундай ҳолатда картадан фоизлар олинмайди.

Хорижда қандай

Германияда кексалик гаштини суриш

Германияда яхши ривожланган давлат ижтимоий сугурта тизими фуқароларни бетоб бўлганда, ишсиз қолганда, шунингдек кексалик даврида химоя қилини-шини таъминлайди. Бутун мамлакат бўйлаб пенсия сугуртаси учун масъул Германия Пенсия жамғармаси ҳисобланади. У пенсия ҳисоблаш ва тўлаш билан шуғулланади.

Бирор киши ўз меҳнат фаолиятини бошлаши билан автоматик тарзда Германия давлат пенсия сугуртаси тизимида сугурталанади. Тизимда сугурталанганларнинг барчасига шахсий сугурта рақами ва ҳисобрақам берилади. Пенсия жамғармаси ҳар йили 27 ёшдан ошган ҳар бир сугурталанувчига пенсия чиқаётганида қандай миқдорда пенсия олиши мумкинлиги тўғрисидаги ахборотни юбориб туради.

Туғилган йили бўйича

Германияда туғилган йилга боғлиқ ҳолда 65–67 ёшда пенсияга чиқилади.

Туғилган йили	Пенсия ёши
1947 йилгача	65 ёш
1947-1958 йиллар	65 ёшга ўтган йил учун 1 ой қўшилади*
1958 йил	66 ёш
1959-1963 йиллар	66 ёшга ўтган 1 йил учун яна 2 ой қўшилади**
1964 йилдан бошлаб	67 ёш

*Мисол учун: сугурталанган шахс 1950 йилда туғилган бўлса, унинг нормал пенсия ёши – 65 йил ва 4 ой, сабаби 1947 йилдан 1950 йилгача 4 йил ўтган, ҳар бир йил учун 1 ойдан қўшилади.

**Сугурталанган шахс 1960 йилда туғилган бўлса, унинг нормал пенсия ёши – 66 йил ва 4 ой (1959 йилдан 1960 йилгача 2 йил ўтган, ҳар бир йил учун 2 ой қўшилади).

Пенсияга чиқиш ёши қонунчиликда назарда тутилган алоҳида ҳолатлар сабабли олдинроққа сурилиши мумкин:

- пенсия сугуртасига камида 45 йил бадал тўлаган шахслар учун пенсия ёши 2 йил олдинга – туғилган йилга боғлиқ ҳолда 63–65 ёшгача сурилади;

- 1952 йилгача туғилган аёллар 60 ёшга тўлганда пенсияга чиқиши мумкин;

- ногиронлар ва фуқароларнинг бошқа тоифалари учун.

Ўртасидан бўламик

Пенсия сугуртаси тизимига бадаллар иш ҳақига боғлиқ бўлади: қанча кўп ишлаб топса, шунча кўп тўлайди. Уларни ҳисоблаш билан иш берувчи шуғулланади. Бадал ходимнинг иш ҳақидан ва иш берувчининг маблағларидан олинади (50% – ходим, 50% – иш берувчи). Пенсия бадалининг умумий суммаси ходимга ҳисобланган иш ҳақининг 18,6%га тенг. Бироқ сугурта бадалларини тўлаш чегараси белгиланган. 6 500 евродан кўп иш ҳақи оладиган шахслар сугурта бадалларига 6 500 евро миқдоридан йигим ҳисоблайди, қолган сумма тўловдан озод этилган.

Пенсия сугуртасидан ташқари бошқа ижтимоий сугурта турлари ҳам мавжуд: **тиббий, ишсизлик, парваришlash учун сугурта.**

Маевуей сонни Алла Ромашко олиб боради.

2018 йил августда Германияда қарор қабул қилинган, унда 2025 йилга қадар пенсия ажратмалари ёлланма ишчилар иш ҳақининг 20%идан ошмаслиги белгиланган.

Агар киши бир ойда 450 евродан кам ишлаб топади-ган бўлса, пенсия сугуртасига бадал иш ҳақининг 18,6-

%ини ташкил этади, бироқ бунда 15%ини иш берувчи ва 3,6%ини ходим тўлайди.

Манба: ЎЗР Пенсия жамғармаси матбуот хизмати.

Ажаб дунё

101 ёшлик депутат пенсияга чиқди

Германиянинг Кирххаймболанден шаҳрида энг ёши улуг депутат Лизель Хайзе 101 ёшида қонуний нафақани расмийлаштирди. Бу ҳақда «Badischen Neuesten Nachrichten» нашри хабар тарқатган.

Пенсионер момо ёши эмас, балки кўриш ва эшитиш қобилияти сустлашгани туфайли ўз ваколатини топширибди. Унинг айнан саломатлиги йиғилишларда иштирок этишида панд бераётган экан.

Депутатни кузатиш маросими каттагина танаффусдан кейин бўлиб ўтган дастлабки мажлис чоғи уюштирилди: мамлакатда коронавирусга қарши кураш чоралари аста-секин юмшатиляпти. Бургомистр Марк Мухов Хайзе — кекса инсонлар учун ҳақиқий намуна эканини таъкидлади ва ўз навбатида бошқа немис нурунийларини ҳам шаҳар сиёсий ҳаётида фаол қатнашишга чақирди.

Собиқ ўқитувчи Лизель Хайзе 2019 йил бошида маҳаллий сайловларда ўз номзодини илгари сурганди. 100 ёшли аёл шаҳардаги кўп йиллар мобайнида фаолият кўрсатмай келаётган бассейни қайтадан ишга туширилишига эришиш мақсадида сиёсатга кириб келди. Сайланиш учун Хайзегга 900 овоз тўплаш лозим бўлди.



Кейинроқ у тегишли мандатни олди ва Германиядаги энг ёши улуг шаҳар ноибига айланди.

Афсуски, нуруний депутат ўзининг эзгу ниятига эриша олмай, пенсияга чиқиб кетди — шаҳар бассейни ҳалиям очилмади. Шунга қарамасдан, Лизель момо депутат сифатидаги фаолияти ўзига хос тажриба мактаби бўлганини таъкидламоқда.

ЎЗА.

Стаж кўп бўлса пенсияга вақтлироқ чиқилади

Узоқ йиллик меҳнат стажига эга бўлган россияликларга кўшимча имтиёз ҳуқуқи берилади, улар умум-белгиланган муддатдан аввалроқ пенсия чиқишлари мумкин.

Узоқ йиллик меҳнат стажига эга фуқаролар (эркаклар — 42 ёш, аёллар — 37 ёш) умумқабул қилинган пенсия ёшидан 2 йил олдин пенсия чиқишлари мумкин.

Имтиёз фуқаролар учун ўзига хос совға бўлади — улар тенгдошларидан олдин пенсия тўловларини оладилар. РПЖда таъкидлашларича, пенсияга муддатидан олдин чиқишни хоҳловчи кўпчилик россияликлар ҳар ойда муро-

жаат қилишмоқда. Фуқаронинг муддатидан олдин пенсия чиқиш ҳуқуқи тасдиқланса, Жамғармада бундай илтимос қаноатлантирилади. Бунда етарлича стаж бўлмаганлиги сабабли кўпчиликка рад жавоби берилмоқда.

Муддатидан олдин пенсия чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишда фақат сугурта стажи ҳисобга олинади, деб тушунтириш берилди РПЖда. Бунга армиядаги хизмат, болани парваришlash таътили, кексалар ёки ногиронларга қараш даврлари, шунингдек ишсизлик нафақалари ва бошқа носугурта даврлари киритилмайди.

Манба: riafan.ru

Ваколатлар – ишончнома бўйича

Корхона томонидан юридик бўлим юретадиган даъво билдириш ишлари амалга оширилади.

Юридик бўлим бошлиғи ишончнома бўйича даъволарни имзолаш, даъволарга жавоб қайтариш, даъво аризасини бериш, даъвога ва бошқа ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларга жавоб беришга ҳақли бўладими?


- Ҳа, ишончнома бўйича шундай қилишга ҳақли.

Корхона раҳбари юридик шахс номидан ишончномасиз ҳаракат қилади. У юридик бўлими бошлиғига ишончнома бўйича суд иши ва судгача бўлган ишларни юретиш ваколатларини беришга ҳақли (ФК 138-м.).

Ишончли шахс даъво аризасини

имзолашга фақат ишончномада бу ваколат алоҳида қайд этилган тақдирда ҳақли бўлади. Суд процесси билан боғлиқ барча ҳужжатларга ишончнома илова қилиниши лозим (ИПК 63-м.).

Альберт Сафин,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Қайта ташкил этишда қайта номлаш

Акциядорлик жамияти МЧЖга қайта ташкил этилади. АЖ номида «Ўз» ҳосила сўзи (масалан, «Ўзкимёсаноат» каби) мавжуд. АЖ МЧЖга қайта ташкил этилганда номлашда «Ўз» ҳосила сўзини қолдириши мумкинми?

«Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» расмий номларидан, шунингдек улардан ҳосила сўзлардан қўйидагилар ўз номлари ва рамзларида фойдаланиш ҳуқуқига эга (ВМнинг 11.10.2014 йилдаги 286-сон қарори 1-б.).

қонунарга, Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этиладиган ёки фаолиятини ташкил этиш амалга ошириладиган юридик шахслар, агар уларнинг номлари тегишли ҳужжатларда тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса. Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак («Фирма номлари тўғрисида»-ги қонун, 3-м. 3-қ.);

➢ Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра ташкил этиладиган ДУК ҳамда давлат органлари ва республика аҳамиятига молик ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган давлат муассасалари.

➢ устав фондида давлат улуши 50%дан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари;

➢ юридик шахслар республика аҳамиятага эга бўлган бирлашмалари;

➢ республика нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек номларида бош ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатиладиган уларнинг алоҳида бўлинмалари;

➢ давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Адлия вазирлигига тақдим этилган мурожаатлари асосида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар.

Қўйидаги ҳолларда давлатнинг расмий номидан, шунингдек ундан ҳосила сўзларни қўшиш асосида ташкил этилган юридик шахсларнинг номидан фойдаланишга йўл қўйилмайди ва ушбу ном ўзгартирилиши лозим (Йўриқнома, 31-банд, АВ рўйхат рақами 2633, 10.12.2014 й.).

➢ давлат органлари ва республика аҳамиятига молик ташкилотлар томонидан ташкил этилган ДУК ва давлат муассасалари давлатнинг расмий номидан, шунингдек ундан ҳосила сўзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартирилганда;


➢ хўжалик жамиятларининг устав капиталда давлат улуши 50%дан камайганда;

➢ юридик шахслар республика аҳамиятига эга бўлган бирлашмаси аъзолари жойлашган ҳудуд битта маъмурий-ҳудудий тузилмага тўғри келиб қолганда;

➢ хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар белгиланган талабларга жавоб бермай қолганда (30.11.1996 йилдаги ПФ-1652-сон; 11.06.2002 йилдаги ПФ-3090-сон).

Шу тариқа, сиз кўрсатилган талабларга мувофиқ келсангиз, корхонангиз ўз номидаги «Ўз» ҳосила сўзини қолдириши мумкин.

Наргиза Воҳидова,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Хизмат сафари вақтидаги шахсий автода ЙХҚ

1. Ходим хизмат сафарида шахсий автомобилдан фойдаланишда қандай талабларга риоя қилиши лозим?
2. Ходим хизмат сафари вақтида шахсий автомобилдан фойдаланган ва ЙХҚда жароҳатланган ҳолатларда масъулият кимга юкланади – ходимгами ёки иш берувчигами?

1. Хизмат сафарида бориш ва қайтиш бўйича йўл харажатлари таксилардан ташқари, умумий фойдаланишдаги барча транспорт турлари, шу жумладан ижара ва тижорат транспортлари) йўлқира ҳақи миқдорида қопланади (Йўриқноманинг 10-банди, АВ томонидан 29.08.2003 йилда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Шахсий автомобиль умумий фойдаланишдаги транспорт ҳисобланмайди.

Сизнинг ҳолатда раҳбар тақдим этилган чекларга асосан хизмат сафари мақсадларида фойдаланилган шахсий транспорт учун бензин ҳақи харажатларини тўлиқ қоплаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши мумкин. Хизмат сафарлари оид компенсация тўловлари тасдиқловчи ҳужжатлар асо-

сида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда тўловлар амалга оширилганда жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди (СК 369-м. 2-қ. 8-б.).

Бюджет ташкилотлари ходимлари учун йўл харажатларига доир ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, хизмат сафари вақтида ҳар бир километр учун БҲМнинг 0,08% миқдорида ҳақ тўланади. Бошқа ташкилотларда йўл харажатларига доир ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ходимга хизмат сафаридаги йўл харажатлари учун келишувда, меҳнат шартномасида белгиланган, бироқ БҲМнинг 0,08%идан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

2. Корхонада қўйидаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида юзага келган ҳолатлар текшириб чиқиши ва ҳисобга олиниши лозим (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 6.06.1997 йилдаги 286-сон қарори билан тасдиқланган):

➢ корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазибаларини бажараётганда (шунингдек хизмат сафарларида) юз берган жароҳатланиш;

➢ ўз функционал вазибаларини бажариш юзасидан, шунингдек аварияларнинг, одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш ва корхонанинг мулкни сақлаш мақсадида, иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошираётгандаги;

➢ иш вақтида шахсий транспортда, уни хизматга оид сафарлар учун ишлатишга рухсат берилганлик ҳақида иш берувчининг ёзма буйруғи мавжуд бўлгандаги;

➢ иш берувчининг топширигини бажариш учун транспортда ҳаракатланаётганда, шунингдек меҳнат фаолияти хизмат кўрсатиш объектлари орасида юриш билан боғлиқ ходимлар билан иш вақтида транспортда кетаётгандаги;

➢ ички ишлар органларининг маълумотлари асосида – иш вақтида меҳнат вазибаларини бажараётганда бошқа шахс томонидан тан жароҳати етказилгандаги.

Бахтсиз ҳодисани ўрганиб чиқишда ходимнинг ЙХҚда айби бор-йўқлиги ва қандай даражада эканлиги белгиланади.

Саволда кўрсатилган ходимнинг мол-мулкига етказилган зарарга келсак, корхона жавобгар бўлмайди, сабаби ходимнинг ўзи шахсий автотранспортдан фойдаланган ва иш берувчининг ЙХҚ содир этилишига дахли бўлмаган.

Нурали Нурмухамедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

Электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимгардон кўча 1/1.
Тел: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz.
web: www.norma.uz



Ходимлар учун жарималар

Корхонада меҳнат интизомини кучайтириш зарурати туғилди, бунга ходимларнинг масъулиятсизлиги сабаб бўлди. Корхонада жарималарни жорий этиш тўғрисидаги буйруқ қандай тузилади?

- Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхонада тасдиқланиши лозим бўлган ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимларга жарима солиш ҳолатлари назарда тутилади (МК 181-м.; Намунавий қоидалар, АВ томонидан 14.05.1999 йилда 746-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ҳар бир ходим ишга қабул қилинаётганда қоидалар, шунингдек кейинчалик уларга киритиладиган ўзгартиришлар билан имзо чекириб таништирилади. Ходимнинг қоидалар билан танишганлиги тўғрисидаги имзоси мавжуд бўлгандагина қоидабузарлик учун жавобгарликка тортиш, шу жумладан жарима солиш мумкин.

Ходимга солинадиган жарима ин-

тизомий жазо турларидан бири ҳисобланади ва белгиланган қоидаларга мувофиқ қўлланилиши лозим (МК 181, 182-м.).

Жарима солиш тўғрисидаги буйруқ ундирув кимга қаратилиши номаълум ҳамда умумий, расмий тусда бўлмаслиги лозим. Ходим буйруқ билан имзо чекириб таништирилади. Бундай буйруқда қуйидагиларни назарда тутишни тавсия этамиз:

➢ тавсия қисми, унда содир этилган хатти-ҳаракат баён этилади;

➢ буйруқ қисми — белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда иш берувчининг жарима туридаги интизомий ундровни қўллаш тўғрисидаги қарори, унинг миқдори ва тартиби (МК 164-м.).

Таътилга ариза

Корхонада 500 нафардан ортиқ ходим ишлайди. Ҳар ойда таътиллари жадвалига мувофиқ улардан ўртача 50 нафари навбатдаги меҳнат таътилига чиқарилади.

Таътил тасдиқланган жадвал бўйича бериладиган бўлса, ходим навбатдаги меҳнат таътили берилиши учун ариза ёзиши лозимми?

- Бунда ҳаммаси таътиллари жадвалида қуйидаги ҳолатларда таътилларидан фойдаланиш даври қандай кўрсатилишига боғлиқ бўлади:

➢ таътиллари жадвалида таътил бошланган аниқ сана кўрсатилмаган бўлса (фақат календарь ойи ёки ой ҳафтаси кўрсатилган тақдирда) — ходим жадвалда кўрсатилган давр доирасида таътилни аниқ бошланиш санасини иш берувчи билан келишиб олиши лозим (таътилни аниқ бошланиш санаси кўрсатилган ҳолда таътил бериш тўғрисида ариза тақдим этилади ва ходим тегишли буйруқ билан таништирилади);

➢ жадвалда таътилни бошланиш санаси аниқ кўрсатилган бўлса — ходим ариза ёзиши шарт эмас;

➢ ходим таътилни қисмларга бўлиб олмоқчи ёки саналарини ўзгартирмоқчи бўлса — ариза тақдим этилади ва иш берувчи билан келишилади (МК 144-146-м.).

Барча ҳолатларда иш берувчи (кадрлар хизмати) томонидан таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида 15 кун олдин хабардор қилиниши керак (МК 144-м.).

Таътил берилмасдан ишдан бўшатилган ҳолда декретга чиқариш

Корхона ходимаси 1.03.2019 йилдан лавозим маоши 8 000 000 сўм бўлган ишга қабул қилинган. У 23.01.2020 йилга қадар ишлаган ва ушбу санадан ҳомиладорлик ва туғиш таътили бўйича касаллик ва-рақасини тақдим этган. 28.05.2020 йилдан ишдан бўшаиш тўғрисида ариза берган. Меҳнат шартномасида 28 кун таътил берилиши кўрсатилган. Ишлаган даврида унга меҳнат таътили берилмаган.

Ишдан бўшаиш чоғида неча кунга фойдаланилмаган таътил учун компенсация берилади?

- Ходима ишдан бўшаётганда ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган вақти навбатдаги меҳнат таътилини ёки фойдаланилмаган таътиллари учун компенсация олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига қўшилади (МК 142-м.).

Ходимага ишга қабул қилинган даврдан бошлаб ҳомиладорлик ва туғиш таътилига қадар, яъни 1.03.2019 йилдан 27.05.2020 йилгача (таътил туғаш санасигача) пуллик компенсация берилиши лозим.

Унга ишлаган вақтига муносиб равишда ҳисоб-китоб қилиб, тўлиқ 15 ой учун пуллик компенсация тўланиши лозим (МК 141-м.):

$$28 \text{ (тўлиқ таътил миқдори)} / 12 \times 15 \text{ (тўлиқ ишланган ойлар сони)} = 35.$$

Шу тариқа, меҳнат шартномаси бекор қилинганда 35 иш кунини учун пуллик компенсация тўланади. Дарвоқе компенсация тўланиши лозим бўлган кунлар яхлитланмайди. Ҳисоб-китобда фақат тўлиқ ишланган ойлар

сони (мазкур ҳолатда — 15) яхлитланади.

Фойдаланилмаган таътил учун компенсация суммаси белгиланган тартибда ҳисобланади (Тартибнинг 1-банди, ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 6-илова).

Бош муҳандиснинг «штат»даги ўрни

Бош муҳандис корхонадаги бир нечта бўлимга раҳбарлик қиладиган бўлса, уни штат жадвалида қайси қайси бўлимга киритиш борасида низо юзага келди. Раҳбарият томонидан раҳбарлар бўлимига киритилиши айтилмоқда. Бироқ уни раҳбарият таркибига киритиш учун барча бўлимлар унинг бўйсунувида бўлиши лозим.

Бош муҳандисни штат жадвалида раҳбар лавозимига киритиш мумкинми?

- Штат жадвалида бўлимлар бўйича лавозимларни жойлаштириш тўғрисидаги қарор раҳбар томонидан қабул қилинади. У ёки бу лавозимларни бўлимлар бўйича жойлаштиришда чекловлар мавжуд эмас. Ишлаб чиқариш заруратидан келиб чиқиш лозим.

Турли соҳаларда «бош муҳандис» лавозими ходимларнинг бошқарув тоифасига (ХАЛИКК-2017) киритилади. Шу боис ушбу лавозимни штат жадвалида раҳбариятга киритиш хато бўлмайди.

Шунингдек штат жадвалида бўлим (масалан, «Ишлаб чиқариш») ташкил этиш, унда ушбу бўлим раҳбарлари лавозимларини, шу жумладан бош муҳандисни қайд этиш мумкин. Кейинчалик

ушбу тузилмада унинг таркибига кирувчи бўлимлар ва хизматлар тузилади.

Штат жадвалини тузишдан олдин корхонанинг ташкилий тузилмасини белгилаб олиш тавсия этилади. Ташкилий тузилма — таркибий бўлинмаларнинг схематик тарзда акс эттирилиши. Ушбу ҳужжатда ташкилотнинг барча бўлинмалари, акс эттирилади, уларнинг бўйсунуви схема шаклида кўрсатилади. Таркибий тузилмада бўлинмалар ўртасидаги вертикал ва горизонтал алоқалар акс эттирилади.

Лавозимлар бир-бирига бўйсунуви ташкилий тузилмада ва ходимнинг лавозим йўриқномасида кўрсатилади.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Раъно
ИСМАИЛОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz
gazeta@norma.uz
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича — (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефони рақамларига
муножабат қилиш мумкин.

Газета ношир — «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 188. Қўзғат бичим — А3. Ҳажми — 2 бома табак. Боҳори келишган нарҳда.
Буюртма 1-722. Адади 565. Газета 2020 йил 13 июль соат 19.00 да топширилди.